
ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШ КЎРСАТКИЧЛАРИ

Мустақиллик йилларида Республикамизда аҳолини рўйхатга олиш ўтказилмаган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 февралдаги “Ўзбекистон Республикасида 2022 йилда аҳолини рўйхатга олишни ўтказиш Концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5655-сонли Фармони қабул қилинган. Фармонга асосан 2022 йилда аҳолини рўйхатга олишни ўтказиш концепцияси, рўйхатга олишни ўтказишга доир комплекс чора-тадбирлар дастури, рўйхатга олишни ўтказишга кўмаклашиш бўйича Республика комиссияси ва уларнинг ҳудудий таркиби, шунингдек комиссиянинг асосий вазифалари белгилаб берилди.

Аҳолини рўйхатга олиш 3 та босқичда ўтказилади. 1-босқичга (3 йилга яқин даврда) аҳолини рўйхатга олиш, уни ўтказиш бўйича молиявий манбаларини аниқлаш бўйича ҳужжатларни, методологиясини ишлаб чиқиш, ҳариталаш, аҳоли пунктлари рўйхатини тузиш, рўйхатга олиш варақаларини чоп этиш ва ушбу тадбирида иштирок этувчи вақтинчалик ходимларни ўқитиш киритилади. 2-босқичда (10 кундан 60 кунгача) бевосита аҳолини рўйхатга олиш амалга оширилади. 3-босқичда (2 йилдан 3 йилгача бўлган давр) аҳолини рўйхатга олиш бирламчи маълумотларини қайта ишлаш, дастлабки натижаларни олиш, эълон қилиш ва тарқатиш ишлари амалга оширилади. Шунингдек, Фармонда бир неча Вазирлик, ташкилотларга ҳам рўйхатга олиш ишларини ташкил этиш бўйича вазифалар юклатилган.

Қ.СОДИҚОВ, Қувасой шаҳар Статистика бўлими бошлиғи.

2019-07-11 17:48:46